Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 2-avgust № 93 (2974) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган.

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан

Илконият илдизлари ва мевалари

Олтиариқлик Ҳабибулло Қулматов билан ўттиз йиллик қадрдонмиз. У туман марказида туғилиб ўсган, аммо узоқ вақт қишлоғимиздаги касалхонада ишлади. Жуда билимдон, тажрибали врач. Яқинда унинг ўғли Хайрулло Қулматов ҳақида эшитиб қолдим. Истиқлол йиллари ўсиб-улғайган бу йигит хориж мутахассисларини ҳам тонг қолдирди. Яъни бир корхонага Хитой компютер технологиясини олиб келиб ўрнатишади. Табиийки, бу ишнинг бошида ўша юрт мутахассиси турган. Аммо технологияни ишга тушира олишмайди. Хорижликлар бу технологиянинг Ўзбекистонда билимдони ҳам, эҳтиёт қисмлари ҳам йўқлигидан афсусланиб, Хитойга бориб келишдан ўзга чора йўқлигини билдиришади.

— Айни шу технологиянинг эҳтиёт қисмлари Ўзбекистонда бўлмаслиги мумкин, — дейди шу ерда ҳозир бўлган Хайрулло, — Аммо мутахассислар ҳақидаги фикрингизга қўшилмайман. Менга рухсат беринг... Ёш йигит компютерни синчиклаб кўздан кечиради, дастурни лойиҳа бўйича қайта ишлаб чиқади ва орадан бир соат ўтар-ўтмас, технология ишга тушади! Айтишларича, хитой мутахассиси қўлларини икки тарафга ёзиб «бўлиши мумкин эмас!» дея жавдираб қолади...

Хайрулло Фарғона политехника институтини тугатгач, икки йил Тошкент Давлат техника университети магистратурасида «Микроэлектроника ва нанотехнология» мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Айни кунларда шу университет аспирантурасида ўқишни давом эттириш ниятида.

У инглиз ҳамда рус тилларида бемалол сўзлашиб, ёза олади. Ушбу тиллардаги микроэлектроника ва нанотехнологияга оид адабиётларни ўзбекча таржима қилади. Яқинда у пойтахтда ўтказилган инновацион лойиҳалар кўргазмасида учта лойиҳа билан иштирок этди. Улардан бири «Электрон фонендоскоп ёрдамида фонокардиограмма усулини компютерда татбиқ этиш» лойиҳаси тиббиёт техникаси бўйича ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Лойиҳа олим ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

— Агар ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилса, — дейди машҳур олим, профессор Муҳсин Муҳиддинов, — бундан жаҳон кардиологиясида катта ижобий натижа ва иқтисодий тежамкорликка эришилади.

Яқинда бўлиб ўтган «Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси» танловида Хайруллонинг «Уй иситиш печларида электр токи ишлаб чиқариш» деб номланган лойиҳаси совриндорлар сафидан жой олди ва у «Алоқабанк»нинг 10 миллион сўмлик грантига сазовор бўлди. Айни пайтда иқтидорли, изланувчан ёш мутахассис тиббиётда янги компютер технологияларини яратиш устида ишламоқда.

Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан юзлаб, минглаб ана шундай юксак малакали, чуқур билимли ёш олимлар, муҳандислар, ишлаб чиқариш намояндалари, маданият арбоблари етишиб чиқмоқда. Улар — Ўзбекистоннинг умиди, келажаги. Тарихан ғоят қисқа вақт ичида республикамиз тараққиёт сари дадил одимлади. Эҳтимол, 25-35 ёшли навқирон авлод буни одатий ҳол деб билар, аммо 40-50 йиллик ҳаёти мустамлака тузум исканжасида ўтган биз каби инсонлар истиқлолдан сўнг юртимизда руй берган мислсиз ўзгаришларга чинакам баҳо бера оламиз.

Шу ўринда жуда қизиқ бир ҳолатни эслайман. Бизнинг авлод болалиги ўтган асрнинг 50-60-йилларида, ёзда тизза бўйи тупроқ қоплаган, куз ва қишда балчиққа ботган қишлоқ кўчаларида ўтган. Ўша даврларда уйимизга дадамнинг аммаси Мастура кампир кўп келар эди. 1967 йили юз ёшдан ошиб вафот этган бу кекса аёл, ўйлаб қарасам, ҳали руслар Қўқон хонлигини босиб олмасдан илгари туғилган, унинг кўплаб хотиралари хонлар даври билан боғлиқ эканлиги сабаби ҳам шунда эди! Ҳа, XIX аср ўрталарида хонлик даврларини, Туркистоннинг мустақил ҳаётини эслайдиган одамлар ҳали бисёр эди. Қанчалик ажабланарли туюлмасин, биз ўша давр болалари Худоёрхоннинг Қўқондан Тошкентга қочиши, тахтдан мосуво бўлган бу инсоннинг кейинги саргузаштларини ўз кўзи билан кўрган акалари ва оталаридан эшитган кексаларнинг суҳбатини кўп тинглаганмиз.

Қўқондаги «Ғиштли Мачит» деб номланган масжиднинг шундоқ ёнида Раҳмон амакимнинг ҳовлиси бор, баъзан отам мени эргаштириб амакиваччасининг уйига олиб борарди. Раҳмон амаки ўқимишли, зиёли одам эди. Маҳалла кексалари меҳмонни йўқлаб тўпланадиган йиғинларда суҳбат қизиб, у ёки бу тарихий воқеа юзасидан енгил баҳс бошланса, бирор ёши улуғнинг соқолини ғижимлаб ўйланганча:

— Йўқ, бу иш рўй берганда ҳали ўрис Қўқонга келмаган эди! — дея баҳсга якун ясаши ҳамон ёдимда.

Ўша одамлар юрагида истиқлол умиди яшагани, мустамлака занжирлари охир-оқибат узилиб, кўҳна Туркистон яна озод юртлар қаторида ўз ўрни, овози, куч-қудратига эга бўлишига, жаҳон бу буюк замин қадр-қимматини яна тан олишига ишонч бўлгани ҳақиқат.

Шўро даври мафкурасининг одамлар онги устидан мутлақо ҳукмронлиги, мустақил фикрнинг ҳатто данагини ҳам ёра олмаслиги учун кўз юммаган қатағон аппарати тазйиқи қанчалик маҳобатли бўлмасин, истиқлол ғояси ўзбекнинг хаёлидан, ички кечмишидан бир зум ҳам ўчмаган. Буни миллатимизнинг ўша зулматли кунларда ҳам бош эгмаган чинакам фидойи фарзандлари, зиёлиларининг тақдири тасдиқлайди. Ўша давр ўзбек адабиётида яратилган деярли барча бадиий етук асарларда турли йўллар, ишоралар билан шу ғоя олдинга суриларди.

(Давоми 3-бетда)

Янги кун янгиликлари

Шаҳрисабз пишлоғи

Шаҳрисабз туманидаги «Саидов Бекзод» хусусий корхонасида ҳар куни 1,5 тонна хом ашё қайта ишланиб, истеъмолчиларга 10 турдаги сут маҳсулотлари етказиб берилаяпти.

Хусусий корхонада ёғлилик даражаси 45 фоизга тенг пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 5-6 килограммдан қадоқланган мазали маҳсулот вилоятдаги савдо корхоналарига етказиб берилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

Коллеж таъмирланмоқда

Қўрғонтепа туманидаги Индустриал –педагогика коллежи биноси 2011 йил манзилли дастурига мувофиқ қайта таъмирланмоқда. Ушбу мақсад учун 356 млн. 614 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш таъмирлаш ишларини «Зумрад-96» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси амалга оширмоқда.

Шу кунгача бинонинг томи янгиланди, икки қаватли маъмурий-маиший комплекс, мажлислар, спорт заллари ҳамда ошхонада пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Иситиш ва канализация тизимлари ҳам янгиланиб, қозонхонада замонавий АКС-450 қозони ўрнатилди.

Иншоот шу ойнинг охиригача фойдаланишга топширилади. Режани муддатида амалга ошириш учун қурувчилар туну кун жонбозлик кўрсатмоқда.

А. ЮНУСОВ

Оқинлар айтишуви

Яқинда Навоий вилоят қозоқ миллий-маданий маркази томонидан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган оқинлар айтишуви ташкил этилди.

«Қалбимда Ватан мадҳи» дея номланган мазкур тадбирда республикамиз ҳудудидан ташқари Қозоғистон Республикасининг машҳур оқинлари ҳам иштирок этишди. Айтишув кечасининг очилишида Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари Муножат Нурматова, Республика қозоқ миллий-маданий маркази раиси Марат Укубаев сўзга чиқиб дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ватанпарварликда бу каби тадбирларнинг аҳамияти ғоятда катта эканини таъкидлашди.

Беллашув натижасига кўра, тошкентлик Қулмахон Дуйсенов биринчи, қозоғистонлик меҳмонлар Ақмарал Нелубаева иккинчи, Жарқинбек Навшабеков учинчи ўринга сазовор бўлишди. Ғолибларга эсдалик совғалар топширилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ

Доводаги ўйлар

Ўша пайтлар бошланғич синфда ўқийдиган қизалоқ эдим. Одамларнинг «Худога шукр, энди йўл азоби камаяди», «Тоғнинг ўртасидан тешаётган экан?», «Ўн-ўн беш йилда ишга тушса керагов...» тарзидаги мулоҳазалари моҳиятига у қадар етмасам-да, негадир «тоғни тешиш» ҳақидаги суҳбатлардан «Эртадаги девлар ростдан ҳам бор экан-да, йўқса, қандай қилиб, тоғ бағридан йўл очиш мумкин?!», деган хулосага келардим.

Бу йўллардан кимлар ўтмаган

Вақт ўтиб, бу йўл умримнинг ҳар саҳифаси мазмунли кечишига ҳисса қўшди. Унинг ҳар қаричида умид, илинж билан қадам босганларим эсимда. Шу йўлларда илк бор Ватандан фахрланиш ҳиссини туйдим. Тоғлар бағрида юртимнинг чексиз қудрати, одамларининг мислсиз матонатини ҳис қилдим. Довондан ўтишнинг ўзи бир бахт мен учун. «Муболағага кўп берилиб кетди», деб ўйлаётган бўлсангиз, Қамчиққа бир келинг, ўзингиз кўринг, дейман. Бу буюкликка муносиб шукрона сифатида сизни олтин водийда офтобмисол нонлар билан қарши олишади. Довон ошиб қадам қўяркансиз, ҳовури қалбингизни, тафти кафтингизни куйдирувчи нонлар сизга ҳамроҳликка шошилади, гўё...

— Ўтган асрнинг 70-йилларида колхоз раисига ҳайдовчилик қилардим, — эслайди йўл ҳамроҳимиз поплик Неъматбой ака. — Қиш-қировли кунлар аримаган паллада зарурат туфайли таваккал қилиб йўлга чиқдик. Омадсизликни қарангки, қор кучайиб, йўлда бир неча кун қолиб кетдик. Ўшандаги азобларни эсласам, саратонда ҳам совуқдан этим увишади. Қамчиққа келишга қайта юрагим бетламади. Тақдир тақозоси билан кенжа фарзандим пойтахтда яшаб қолди. Соғинч устунлик қилиб довонга кўтарилдим. Ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетган. Йўл юриб, чарчаш ўрнига завқинг ошади...

Йўлсозлик тарихига Қамчиқ номи билан кирган, мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга 80 километрлик масофадаги магистралнинг қурилиши мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ишлардан биридир. Умумий узунлиги 183,6 минг километрлик мамлакат йўл тармоғида Қамчиқ довони ўзига хос ўрин тутиш билан бирга, жаҳон магистралларини боғлашда ҳам муҳим бўғин вазифасини ўтайди. Ўша пайтлар Фарғона водийси билан мамлакатимизнинг бошқа сарҳадлари, асосан, Тожикистон орқали боғланган, нотинчликлар боис мазкур ҳудуддан ўтиш кун сайин хатарли бўлиб борарди. Шундай шароитда Президентимиз денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда Қамчиқ довони атрофида замонавий мезонларга жавоб берувчи йўлни лойиҳалаш, барпо этиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 сентябрда қабул қилинган «А-373 Тошкент-Ўш автомобил йўлини Қамчиқ ва Резак довони участкаларида туннеллар қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори билан Қамчиқ йўли улкан қурилиш майдонига айланди. Янги йўл қурилишида 4,5 минг кишилик қурувчилар жамоаси меҳнат қилди. Ўша вақтда йўлнинг эни 6-7 метр, айрим жойларда ундан ҳам қисқароқ бўлса, янги лойиҳа бўйича 29 метр, икки четидаги муҳофаза қисмларини қўшиб ҳисоблаганда 36 метр кенгликдаги замонавий йўл қурила бошланди.

(Давоми 3-бетда)

Қўли гулдир ўзбек аёлин...

«Игнанинг кетидан юрсанг, битасан...»

— Шофирконликлар нафақат илм-маърифатда, балки тадбиркорликда ҳам азалдан олдинги сафда бўлиб келишган. Айни кунда туманда минг нафардан ортиқ ҳунарманд ва тадбиркор эл-юрт тўкинлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Биргина ўтган йилда 371 нафар тадбиркор ва 159 та кичик корхона ва микрофирма ўз фаолиятини бошлади. Улар сафи Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада кўпайди, — дейди туман «Ҳунармандлар» уюшмаси раиси, Оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази директори Ойсара Рўзиева. — Бандлик дастурига кўра, бугунги кунда маҳалла-ю қишлоқларда аёллар қўл меҳнати кенг қулоч ёймоқда, Шу аснода қадимий ҳунарлар қайта сайқал топиб, буткул янгича услубларда ривожлантирилмоқда. Бир ўзим 50 нафар қизга каштачилик сирларини ўргатдим. Менга ўхшаган чеварлар туманимизда жуда кўп.

Айни кунда туманда 42234 та оила (шундан 680 таси ёш оила) мавжуд. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат фаолиятини бошлашида кўмаклашиш ва барқарор даромад манбаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда 70 та кам таъминланган оилага қорамол олиб берилиб, уларга меҳнат дафтарчаси очилган эди. Хонадонларнинг манфаатдорлиги ортиб, қорамоллар сони қарийб икки ҳиссага кўпайди. 40 нафарга яқин диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳар бир оилага кириб бориб, аёлларни жамият ҳаётига жалб этаяпти, бандлигини таъминлашда ҳисса қўшмоқда. Туманда бандлик дастури асосида 6472 та иш ўрни яратилиши керак эди, амалда 6727 нафар киши иш билан таъминланди. уларнинг 60 фоизи аёллар эканлиги қувончлидир.

Ҳунарманд ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан туман аҳлининг манфаатдорлиги ортиб, турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ҳудуд бозорларига кирсангиз, арзончилик ва тўкинликдан кўнглингиз кўтарилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шофирконда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавотлар қўшни бозорлардан бир неча баробар арзон ва сифатли. Ҳатто тадбиркорлиги-ю ишбилармонлиги билан ном чиқарган ғиждувонликлар ҳам кўплаб маҳсулотларни бу ердан кўтара нархда савдо қилиб кетишади. Айнан шунинг учун машҳур Ғиждувон бозоридаги сара мева-сабзавот маҳсулотлари шофирконлик боғбону соҳибкорлар ҳиссасига тўғри келади.

(Давоми 4-бетда)

Ishonch
2011-yil 2-avgust № 93 (2974)

Касаба уюшмалари ҳаёти

Бугун касаба уюшма ташкилотлари зиммасига белгиланган режалар қоғозда қолиб кетмаслиги, касаба уюшма аъзолари ишончини оқлаш, жамоа шартномалари бандларини тўлиқ бажариш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилояти вакиллиги 2011 йилнинг 7 июнидан бошлаб вилоят кенгаши номи остида фаолият юритмоқда. Биз кенгаш раиси Азизбек Абдураҳмонов билан тармоқда амалга оширилган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

Жамоа шартномалари: Ижро ва назорат

— Аввало, тармоқдаги вазирлик, идоралар, давлат ташкилотлари ва банклар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик ўрнатилганлигига эътиборингизни тортмоқчиман. 27 та тармоқ келишувлари, 164 та жамоа шартномалари тузилган. Уларда акс эттирилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бандлик кафолатлари, меҳнат хавфсизлиги, ижтимоий муҳофазани таъминлаш борасида томонларнинг мажбуриятларини ўтган йил мобайнида тўла бажарилишига эришилди.

Жамоа шартномалари орқали тармоқдаги ташкилот ва муассасаларда ишлаётган пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга турли имтиёзлар (кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақлар, қўшимча таътиллар, рағбатлантириш тўловлари, юбилей саналари муносабати билан мукофотлаш) каби масалалар ҳал этилди.

Миллий банк вилоят бўлими, «Ҳамкорбанк» АТБ вилоят бошқармаси, солиқ бошқармаси, «Микрокредитбанк» , «Агробанк», «Асака банк» вилоят бошқармаларида жамоа шартномаларга тўлиқ амал қилинганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Жамоа шартномаларига ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш каби муҳим масалалар киритилган.

Айниқса, «Ҳамкорбанк» АТБ вилоят бошқармаси фаолияти таҳсинга лойиқ. Банкнинг барча ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилиб, врач тавсияси билан 17 нафар ходим санаторийларда дам олдирилди. Бунинг учун 5840,0 сўм сарфланди. Ўтган йилда 10 нафар олий ўқув юрти талабаларининг контракт тўловлари қисман қопланди.

Умуман олганда, жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўртача 435 минг сўмни ташкил қилди ва олдинги ҳисоботга нисбатан 108 минг сўмга кўпайди.

— Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш ўз-ўзидан аъзолар сонининг ошишига ва касаба уюшма ташкилотлари сонининг ўсишига хизмат қилади. Бу борада қилинаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?

— Бу масала марказлашган ҳолда Андижон вилоят статистика бошқармасидан олинган нодавлат секторида янги барпо этилган ташкилотлар рўйхатидан келиб чиқиб, касаба уюшма ташкилотлари тузиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириб келинмоқда.

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғибот қилишни янада кучайтириш, нодавлат сектори корхоналарида касаба уюшма ташкилотларини тузиш бўйича чоралар кўрилди. Жумладан, касаба уюшма аъзолари, тармоққа кирувчи ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилди. Барча ташкилотларга касаба уюшмаларининг ҳаётига бағишланган услубий қўлланмалар, плакатлар тарқатилди. Ҳозирда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тайёрланган Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган буклетни тарқатяпмиз.

Вилоят кенгаши томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2010 йил ва 2011 йилнинг 1 июн ойига қадар янгидан 5 та, жумладан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, «АЗИА СОКАТО» МЧЖ, «Трансбанк» Андижон филиали, Пахтаобод ва Бўз тумани «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхоналарида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

Янги ташкил этилган касаба уюшма ташкилотларига фаолиятнинг ташкилий, ижтимоий–иқтисодий, ҳуқуқий ва молиявий йўналишлари бўйича амалий услубий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқдаги нодавлат секторидаги 31 та муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг 25 тасида жамоа шартномалари тузилди.

— Фуқаролардан тушган аризалар қандай ҳал этилмоқда?

— Қонунчиликни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Прокуратура, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Ўтган даврда бизга 81 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 78 таси ижобий ҳал этилди. Мисол учун, Давлат-тижорат Халқ банкининг «Куйганёр» филиали ходими М. Абдуллаева ишга тикланиб, унга мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўланди. ОАТБ «Агробанк» Пойтуғ филиали ходими Р.Шокировага ҳам кўмак кўрсатилди.

— Касаба уюшмалари фарзандларимизни соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, спорт мусобақалари ташкил этиш борасида ҳам масъулдир. Бу йўналишдаги ишлар хусусида гапириб бермоқчисиз.

— Бўз туманида жойлашган «Қуёшча» болалар оромгоҳида тармоқ меҳнаткашларининг 375 фарзандларини соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу мақсадлар учун 35657 минг сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Кенгаш тизими бўйича касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан маданий тадбирларни ўтказиш учун 160975 минг сўм сарфланди.Спорт тадбирлари учун 48038 минг сўм маблағ ажратилди. 114 та ташкилотда йирик спорт мусобақалари ўтказилиб, ишчиларнинг саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Байрамлар арафасида турли спартакиадалар ва спорт тадбирлари бошланғич ташкилотларда ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Суҳбатдош: Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

СОҒЛОМЛАШТИРИШ



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қибрай» соғломлаштириш оромгоҳида ёзги таътилда 1260 ўқувчининг дам олиши режалаштирилган.



Оромгоҳда болаларнинг ҳордиқ чиқариши мазмунли ўтмоқда. Тасвирий санъат, шахмат-шашка, мусиқа ва тиқувчилик йўналишларида тўгаракларнинг ташкил этилгани, турли спорт мусобақалари, концерт ва томошаларнинг мунтазам ўтказилаётгани ўғил-қизларнинг кўнгилли дам олишига хизмат қилмоқда.

Суратларда: «Қибрай» оромгоҳида.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор. Айниқса, ёзнинг болажонлар ҳаётида ўрни бўлакча. Оромгоҳларда болаларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун барча шароит мавжуд. Тоза ҳаво, уч маҳал иссиқ овқат, чўмилиш ҳавзалари... Шу билан бирга, маданий тадбирлар уларнинг иқтидорини юзага чиқишига кўмак беради.

Юртимнинг расмини чизаман

Яқинда «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Зангори олов» ва «Ўзметкомбинат» ОАЖга қарашли «Ёшлик» дам олиш оромгоҳларида ўтган тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Икуо Хирояма номидаги Халқаро Маданият Карвон саройи ҳамкорлигида Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан рассомчилик асослари бўйича ўтказилган маҳорат дарси ҳамда «Энг иқтидорли» деб номланган танлов болалар учун ҳақиқий завқ-шавқли онларга айланди. «Зангори олов» дам олиш оромгоҳидан 12 нафар иқтидорли рассомчиликка қизиққан ўғил-қиз танлаб олинган бўлса, «Ёшлик» оромгоҳида улар сони 50 нафарга етди. Давлат рамзлари, табиат манзаралари болаларнинг мавзуси бўлди.

— Болаларимиз биздан-да тиникроқ фикрлаши, тасаввур дунёсининг кенглиги ва интилишлари она-Ватанга муносиб фарзандлар вояга етаётганидан далолат бериб турибди, — дейди таниқли график-рассом Дамир Ўразаев.

Тадбир сўнгида энг иқтидорли ҳаваскор рассомлардан тўрт нафари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Г.САОДАТОВА

«Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли «Юбилей» оромгоҳи айни кунларда болажонларнинг шодон кулгуси, куй-қўшиқлари билан тўлиб-тошган. Ёзги дам олиш мавсумида бу оромгоҳда 600 нафар ўғил-қизлар дам олади.

Байрамга бағишланди

Яқинда оромгоҳда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «Йигирма ёшинг муборак, азиз Ватаним» мавзуида катта маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятнинг бир гуруҳ таниқли ижодкорлари, санъаткорлари иштирок этдилар. Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърлар Гулистон шаҳридаги «Афсона» болалар дастасининг дилрабо куй-қўшиқлари кечага файз киритди.

Шу куни Зомин тоғлари қўйнидаги Дуоба қишлоғида жойлашган «Гулистон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам катта байрам тадбири ўтказилди.

— Ёзги дам олиш мавсуми давомида вилоятдаги барча соғломлаштириш ва кундузги оромгоҳларда маънавий-маърифий тадбирлар кенг кўламда ўтказиб келинмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаев. — Оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган 1650 нафар боланинг асосий қисми кам таъминланган оилалар фарзандларидир.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«Мустақиллик — менинг тақдиримда»

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига бағишлаб жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Гулбаҳор» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган тадбир «Мустақиллик — менинг тақдиримда» деб номланди.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини юзага чиқариш ҳамда уни маълум бир соҳага йўналтириш ниҳоятда мураккаб вазифа, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Шоҳруҳ Убайдуллаев. — Аминманки, ушбу тадбирда ҳам кўплаб истеъдодларни кашф этиш имкониятига эга бўламиз.

Ёшлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб, рақс санъати борасидаги маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, Яккасарой туманидаги 144-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Камолов, Чилонзор туманидаги 44-мактаб ўқувчиси Нилуфар Абдужабборова, Ҳамза туманидан Муниса Сайфуллаевалар ижодига мансуб шеърлар қарсаклар билан кутиб олинди. Айниқса, Гулбаҳор Нурмуҳамедованинг «Онажон» шеъри кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, тадбир шеърий мушоирага айланиб кетди.

— Оромгоҳга биринчи бор келишим, — дейди Дилафруз Тожибоева. — Бугунги тадбир мени назм бўстонига бошлаб кирди. Ўзим ҳам шеърлар ёзиб тураман. Орзуим келгусида шоира бўлиш.

Даврада шеърхонлик ва куй-қўшиқ янгради.

— Оромгоҳдан катта таассуротлар олиб қайтяпман. — дейди Беҳзод Санъатов. — Ўзим адабиёт ҳамда санъатга ниҳоятда қизиқаман. Келгусида машҳур хонанда Озодбек Назарбековдек қўшиқчи бўлиш ниятим бор.

Яхши ният — ярим мол. Бу ёшлар орасидан ҳам иқтидорли ижодкорлар етишиб чиқса не, ажаб.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири



Истиқлол дурдонаси

«Шўртангазкимё» мажмуаси томонидан 2009 йилда Қарши шаҳрида қуриб фойдаланишга топширилган «Эркатой» мактабгача таълим муассасаси истиқлолнинг ҳақиқий дурдонаси, давлатимизнинг мустақил юрт фарзандларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг бир намунасидир.

Бу ерда ҳаммаси эртаклардагидек. Мавжуд саккизта гуруҳнинг ҳар бири ўз ўйин майдони, машғулот марказлари, турли йўналишлар бўйича алоҳида-алоҳида бурчакларга эга. Муҳими, бола бу ерда ўз уйидагидек муҳитни ҳис қилади. Тарбиячиларнинг болаларга бола эмас, шахс сифатида муносабатда бўлиши ўғил-қизларимизнинг эркин фикрлаш, ўз тасаввурини тасвирлай олиш, киришимлилик, берилган топшириқларни тез ва осон ўзлаштиришга ўргатмоқда.

«Эркатой» мактабгача таълим муассасасида боланинг шахсияти, руҳияти, жисмоний соғломлиги, ривожланиш савиясига қараб машғулотлар тартиби ишлаб чиқилган. Яъни, ўргатилаётган ҳар бир жараён, очиқ машғулотлар ўйин орқали ташкил этилади. Натижада, ўғил-қизларнинг ҳаракатчанлиги ошади, жажжи юраклар кенг дунёнинг синоатларини ўзи учун кашф этиб боради.

«Сеҳрли мўйқалам», «Ранглар жилоси» бурчакларида болажонлар томонидан чизилган сурат намуналари, қўл меҳнати орқали ясалган турфа ўйинчоқлар жамулжам бўлиб, тўртбеш ёшли болаларда ижодкорлик, яратувчанлик қирралари шакл топаётгани беихтиёр кўнгилда сурур уйғотади.

Инглиз тили ўқитувчиси Шаҳноза Нурдавлатова мавжуд саккизта гуруҳнинг олтитасида хорижий тил сабоқларини ўргатиб келмоқда. Биз билан суҳбатда беш ёшли Лаълихон Султонова ўзи ва оиласи ҳақида, келажакда шифокор бўлиш истаги борлиги хусусида инглиз тилида равон гапириб берди. У онаси Луиза опанинг шифокор бўлиб ишлаётгани, меҳрибон онажонисига ҳавас қилишини ҳам қўшиб қўйганида жажжи замондошимизга ҳавасимиз келди.

Капалакжон, капалак,
Қанотларинг ипакдек.
Жимжимадор учасан,
Қайга бунча шошасан?

Кел, гулимга қўна қол,
Ҳидларига тўя қол!!!

Беш ёшли Шодия Юсупова тилидан эшитганимиз «Капалакжон» шеъри ҳам дилимизга хушнудлик бағишлади. Бу ёш авлоднинг зеҳнли ва зукко бўлиб вояга етаётганидан дарак...

Очиқ машғулот залига кириб, бу ерда ҳеч бир соҳа эътибордан четда эмаслигига амин бўласиз. «Ошхона» бурчагида ўғил-қизларга овқатланиш маданияти, меҳмон кутиш-кузатиш, турли салатлар, ширинликлар, шарбатлар тайёрлаш сирлари ва бошқалар ўргатилади. Тиббиёт бурчагида бола «бемор»ни даволаса, қўғирчоқ театри марказида ўрганган эртакларини саҳнада жонлантиради. «Математика манипулятив ўйинлар маркази»да ҳисоб-китоб илмини қизиқарли ўйинлар орқали ўзлаштиради.

Гуллола Боймуродова раҳбарлик қиладиган «Мусиқа» гуруҳи замонавий ва миллий чолғу асбоблари билан жиҳозланган. Ўз ишининг устаси бўлган Гуллола опа ўғил-қизларга созандалик, куй-қўшиқ ва рақс санъати сирларидан бошланғич кўникмаларни синдирмоқда.

— Тарбияланувчилар орасида мусиқага, қўшиқ айтишга мойиллиги бор ўғил-қизларимиз қўплиги қувонарли, — деди мусиқа раҳбари. — Масалан, беш ёшли Сардор Собиров саҳнада ўзини тутиши, қўшиқ ижроси бўйича бошқалардан ажралиб туради. Қўшиқ мазмунига қараб овозини мослай олади. Ёки Зебунисо Абдумажидовани олайлик. Бу қизимиз миллий чолғу асбобларимиздан чанқовуз чалишни тез ўрганиб олди. Ажаб эмас, бу каби болажонларимиздан келажакда хассос бастакор, моҳир созанда ёки дилтортар хонандалар етишиб чиқса...

Жисмоний тарбия ва сузиш гуруҳи раҳбари Жанна Исаеванинг фидойилиги туфайли нафақат тарбияланувчилар, балки ишчи- ходимларнинг ҳам спортга меҳри бўлакча. Муассаса жамоаси тез-тез турли спартакиадаларда қатнашиб туради.

Моҳир психолог Соҳиба Хўжахонова муносабатларда узвийликни таъминлайди, боғчада соғлом муҳитни шакллантиради. Логопед Лиля Алиева ўғил-қизларнинг нутқи равон бўлиши йўлида заҳмат чекса, тарбиячилар Гулнора Мингалиева, Лола Жалолова, Клара Жўраева, Юлдуз Равшанова, Хуршида Саидова, Елена Юргельевич уларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида жонбозлик кўрсатяптилар.

Жамоли кўзни қувнатадиган боғча мажмуаси ҳовлисида ҳар бир гуруҳнинг ўз ўйингоҳлари мавжуд. Унда турли ўйинлар ўйнаш билан бирга боланинг ўзига ишонувчанлиги, жисмоний сифатлари, мантиқан фикрлаши шаклланиб боради.

Сув ва қум терапияси ўғил-қизларнинг ички кечинмаларини ифодалашга кўмаклашади. Ўйингоҳларда тош ва ёғочдан ясалган табиий массаж йўлакчалари ўз навбатида болаларда учрайдиган ясситовонликни бартараф этишга хизмат қилади.

— Мен келажакда аскарларга командир бўлмоқчиман, — дейди тарбияланувчи Шоҳруҳ Шуҳратов. — Аскарлар кучли ва чаққон бўлишади. Биз ҳам ҳар куни югурамиз, машқ бажарамиз, футбол ўйнаймиз. Сузиш жону дилим. Ҳали мактабда яхши ўқисам, катта спорт мусобақаларида қатнашсам, командирлар тайёрлайдиган ўқишга кираман...

Боланинг фикридаги теранликдан қувонамиз.

Комила Муқимова муассасанинг касаба уюшма қўмитаси раиси. У белгиланган режа асосида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Ходимлар фарзандлари ҳар мавсум энг гўзал оромгоҳ ҳисобланган «Лочин»да ҳордиқ чиқаришади.

Дарвоқе, апрел ойида «Эркатой» мактабгача таълим муассасасида МТМлар раҳбарлари ва тарбиячилари учун «Мактабгача таълим муассасаларида ички назоратни режалаштириш» мавзуида вилоят семинар-тренинги ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Унда семинар иштирокчилари муассаса фаолияти билан танишишди, ўтказилаётган машғулотларни кузатишди.

«Эркатой» мактабгача таълим муассасасининг «Биз болаларнинг бахтли, соғлом, ақлли инсон бўлишига замин яратамиз!» деган шоири ва шу йўналишдаги намунали иш фаолияти бутун вилоят миқёсида тарғиб қилинди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Илконият илдизлари ва мевалари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Не бахтки, мана шу нурафшон кунларни кўриш бизга насиб этди. Мустақил юртимизнинг озод шаҳру қишлоқларида кезар экансан, барча соҳада тарихан ўта қисқа вақт ичида эришилган ижобий ўзгаришлардан ҳайратга тушасан. Ана шундай оламшумул янгиланишлар Фарғона вилоятида ҳам рўй-рост намоён бўлаётир. Узоққа бормайлик, бундан йигирма йил олдинги Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари билан уларнинг бугунги кўриниши, иқтисодиёти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Гапнинг пўсткалласини айтганда, 80-йиллардаги шу шаҳарлар манзарасини XX аср бошидаги кўриниш билан солиштирган одам орада катта фарқ топмасди. Фарғонада ўша чор Россияси даврида қурилган бир қаватли, негадир доимо деворлари кўкиш рангга бўяладиган уйлар, Қўқон ва Марғилоннинг хонлар давридан қолган илонизи, тор кўчалари, чайқов, сомон бозорлари... Истиқлолнинг илк йилларида бу шаҳарларни тарк этганлар ҳозир қайтиб ўз туғилиб ўсган кўчаларини танимаяптилар. Бири-биридан гўзал, маҳобатли, замонавий иморатлар, янги хиёбонлар, маданият масканлари... Университетда қўқонлик бир яҳудий дўстимиз билан бирга ўқигандик. Кейинчалик бу йигит тақдир тақозоси билан Исроилга кўчиб кетди. Орадан йиллар ўтди. Яқинда у она шаҳри Қўқонга келиб... туғилган маҳалласини тополмай қолди. Зеро, у вояга етган кесак деворли уйлардан иборат маҳалла кўчалари ўз ўрнини кўп қаватли кўркам иморатларга бўшатиб берган эди.

— Умуман шаҳарни таний олмадим, эски Қўқон ўрнида навқирон, замонавий, XXI аср шаҳри қад ростлабди. Қисқа муддатда бундай бемисл ўзгаришлар рўй беришини хаёлимга ҳам келтирмагандим, — дейди у ҳайратини яширмай.

Дарҳақиқат, вилоят шаҳару қишлоқлари ҳозирда истиқлолдан аввалги даврга нисбатан мутлақо бошқача қиёфа касб этиб улгурган. Фарғона ва Қўқон шаҳарларида янги бош лойиҳа бўйича узоқ муддатга мўлжалланган улкан меъморий ишлар тез суръатда амалга оширилаяпти. Бу ўзгаришлар таърифу тавсифидан аввал лўнда рақамларга мурожаат қилсак. Агар 2010 йили бу шаҳарларда 934,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган бўлса, 2011 йили уларда 1,3 триллион сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши жадал бормоқда!

Кўпчилигимизнинг ёдимизда бор: Шўро даврида шаҳар бюджетининг бу қисми асосан кўчалар ва майдонларни супуриш, тозалашга сарфланар, харажат ҳам шунга яраша бўларди. Вилоятнинг бу уч йирик шаҳрини ободонлаштириш, замонавий бинолар, корхоналар, маданият, спорт муассасалари барпо этишга сарфланадиган маблағлар миқдори истиқлол йиллари шу даражада ўсдики, ўтмишдаги сарф-харажатлар билан ҳозиргиси орасидаги фарқ, ҳеч бир муболағасиз, ер билан осмонча. Қўқон ва Фарғона шаҳарларининг кечаги ва бугунги кўринишини солиштирган ҳар қандай одам бунга амин бўлади.

Бизга анча яқин ва ҳозирда ривожланган дея ҳисобланаётган мамлакатлардан бирида анча муддат яшаб келган одам билан суҳбатлашиб қолдим.

— Биз уларнинг телесериалларида кўраётган шаҳарлар манзараси бошқа — европача, обод ва кўркам. Лекин мамлакатнинг узоқ вилоятлари, қишлоқларидаги аҳвол бундан икки аср аввалги кўринишда — эски, хароба уйлар, алмисоқдан қолган ишлаб чиқариш воситалари...

Юртимизда эса шаҳарларгина эмас, туман марказлари, қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш мавзелари кўриниши ҳам истиқлол йиллари мутлақо ўзгариб кетди. Қишлоқларда намунавий

лойиҳалар асосида барпо этилаётган бинолардан иборат янги маҳаллалар пайдо бўлмоқда. Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш ва лойиҳалаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Фарғонада сезиларли ишлар амалга оширилди. 2010 йилда вилоятдаги 15 та қишлоқнинг 25 та мавзесида 610 та ҳар томонлама мукаммал турар-жой қуриб битказилган бўлса, бу йил 32 та мавзеда 675 та замонавий, ҳар томонлама қулай турар-жой биноси барпо этиш жадал кетмоқда. Таъкидлаш керакки, қурилаётган турар-жой биноларининг умумий қиймати 57,3 миллиард сўмни ташкил этади.

— Йил бошидан буён қишлоқларда йигирмадан ортиқ замонавий, барча қулайликка эга шинам ҳовли-жойларни фойдаланишга топширдик, — дейди Фарғона туманидаги «Янги авлод қурилиш инвест» корхонаси директори Шавкатжон Йўлдошев. Бу қурувчиларнинг мустақиллигимизнинг муборак йигирма йиллик тўйига муносиб туҳфасидир.

Фарғона иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш корхоналари нуфузи ва салмоғи жиҳатидан Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринда туради. Вилоятдаги кўплаб йирик, замонавий саноат корхоналари номи юртимиздан ташқарида ҳам маълум. Нафсиламрини айтганда, истиқлолдан сўнг вилоятда янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, эскиларининг реконструкция қилиниши жараёни кучайди. Ўтган йили қарийб 5 триллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг учдан икки қисми саноат маҳсулотидир. Ҳозирги пайтда ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг 70 дан ортиқ давлатига 41 турдаги маҳсулот экспорт қилмоқда. Шуниси қувонарлики, чет элларга маҳсулот сотувчи корхоналар нафақат йирик шаҳарларда, Тошлоқ, Бағдод, Фурқат, Олтиариқ, Ўзбекистон каби туманларда ҳам фаолият кўрсатаётир. Айтайлик, Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Фруктовий Рай Алтиарик» агрофирмаси ўтган йили 34 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган. Хорижий инвестицияларнинг чекка қишлоқларга ҳам бетиним кириб келаётганлиги диққатга сазовор. Фарғона туманидаги автоойна етказиб бериш, Олтиариқ туманидаги тадбиркорлик йилида шу ерни обод қилишга бел боғлади. Қисқа вақтда қаровсиз жойда пахтани қайта ишлаш цехи қад ростлади, молхона ва қўйхоналар қурилди. Теварак-атроф ободонлаштирилди, боғ ва полиз майдонлари пайдо бўлди. Йигирма нафарга яқин ёш иш билан таъминланди. Бу вилоятда юз бераётган катта ўзгаришлардан бир чимдим, холос.

Фарғоналиклар азалдан тадбиркор, меҳнаткаш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда омилкор сифатида танилган. Юзлаб гектар майдонларда юқори ҳосил олаётган пахтакор-ғаллакор фермерлар, йилдан-йилга туёқ сонини кўпайтираётган ва ҳатто мол-қўйларнинг янги сергўшт, серсут зотларини яратаётган чорвадорлар, сабзавот ва полиз экинларидан юқори даражада ҳосил олаётган миришкорлар, ажойиб боғбонлар ҳақида кўплаб ёзилган. Шу йил апрел ойи бошларида «Ishonch» газетасининг бир гуруҳ ходимлари Олтиариқ туманидаги шахсий томорқаларда аср аввалги кўринишда — эски, хароба уйлар, алмисоқдан қолган ишлаб чиқариш воситалари...

Юртимизда эса шаҳарларгина эмас, туман марказлари, қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш мавзелари кўриниши ҳам истиқлол йиллари мутлақо ўзгариб кетди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган бинолардан иборат янги маҳаллалар пайдо бўлмоқда. Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш ва лойиҳалаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Фарғонада сезиларли ишлар амалга оширилди. 2010 йилда вилоятдаги 15 та қишлоқнинг 25 та мавзесида 610 та ҳар томонлама мукаммал турар-жой қуриб битказилган бўлса, бу йил 32 та мавзеда 675 та замонавий, ҳар томонлама қулай турар-жой биноси барпо этиш жадал кетмоқда. Таъкидлаш керакки, қурилаётган турар-жой биноларининг умумий қиймати 57,3 миллиард сўмни ташкил этади.

— Йил бошидан буён қишлоқларда йигирмадан ортиқ замонавий, барча қулайликка эга шинам ҳовли-жойларни фойдаланишга топширдик, — дейди Фарғона туманидаги «Янги авлод қурилиш инвест» корхонаси директори Шавкатжон Йўлдошев. Бу қурувчиларнинг мустақиллигимизнинг муборак йигирма йиллик тўйига муносиб туҳфасидир.

Фарғона иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш корхоналари нуфузи ва салмоғи жиҳатидан Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринда туради. Вилоятдаги кўплаб йирик, замонавий саноат корхоналари номи юртимиздан ташқарида ҳам маълум. Нафсиламрини айтганда, истиқлолдан сўнг вилоятда янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, эскиларининг реконструкция қилиниши жараёни кучайди. Ўтган йили қарийб 5 триллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, унинг учдан икки қисми саноат маҳсулотидир. Ҳозирги пайтда ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг 70 дан ортиқ давлатига 41 турдаги маҳсулот экспорт қилмоқда. Шуниси қувонарлики, чет элларга маҳсулот сотувчи корхоналар нафақат йирик шаҳарларда, Тошлоқ, Бағдод, Фурқат, Олтиариқ, Ўзбекистон каби туманларда ҳам фаолият кўрсатаётир. Айтайлик, Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Фруктовий Рай Алтиарик» агрофирмаси ўтган йили 34 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган. Хорижий инвестицияларнинг чекка қишлоқларга ҳам бетиним кириб келаётганлиги диққатга сазовор. Фарғона туманидаги автоойна етказиб бериш, Олтиариқ туманидаги автомобил эҳтиёт қисмларини тайёрлаш, Тошлоқдаги гўшт-сутни қайта ишлаш каби хорижий инвестиция асосида ишга туширилган корхоналар сафи кенгайиб бораётганлиги қувонарли. Ҳозирда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар юзга яқинлашган. Уларни ташкил этишда Европа, Осиё, Америка қитъаларининг 27 та давлатидаги тадбиркорлик субъектлари шерик сифатида қатнашган.

— Вилоятда хорижий инвестицияни жалб этиш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган, — дейди вилоят адлия бошқармаси хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Икромжон Исақов. — Ўтган йили 17 та шундай корхона рўйхатдан ўтган ва натижада 52,4 миллион доллар сармоя вилоятга кириб келган. Ҳозирда Корея Республикаси, Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Буюк Британия каби ўнлаб давлатларнинг компаниялари ва ишбилармонлари фарғоналиклар билан ҳамкорлик қилишмоқда. Биргина факт: хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони вилоятда 1991 йилга нисбатан 48 мартадан зиёдга кўпайган.

Айни пайтда фуқаролар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятдан унумли фойдаланиб соҳани ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Истиқлолдан аввал Бувайда тумани ҳудудида бирорта замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат корхонаси йўқ эди. Ўтган даврда бу ерда йирик тўқимачилик фабрикаси, экспорт учун эшик-деразалар ишлаб чиқарувчи ўндан ортиқ ишхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб цехлар қурилди. Ишбилармон Зебохон Тожиматова тумандаги собиқ «Оққўрғон» ширкат хўжалиги маъмурий биносида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхона очди. Ишчилар малакасини бетўхтов ошириб бориш, корхона фаолиятини замонавий асосда ташкил этиш маҳсулот сифатини чет эл корхоналари даражасида тайёрлаш имкониятини берди. Айни пайтда бу корхонада тайёрланган болалар кийим-бошлари нафақат Фарғона, балки бошқа вилоятлар бозорларини таъминлаяпти. Яқиндан бери эса корхона маҳсулотлари Қозоғистон ва Украинага ҳам экспорт қилинмоқда.

Илгарилари Фарғонанинг чўл зонаси, тараққиётдан бир мунча ортда қолган дея ҳисобланган Ёзёвон туманига Марғилондан кириштдаги йўл ёқасида ташландиқ бир жой бор эди. Тадбиркор Ғанишер Каримқулов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида шу ерни обод қилишга бел боғлади. Қисқа вақтда қаровсиз жойда пахтани қайта ишлаш цехи қад ростлади, молхона ва қўйхоналар қурилди. Теварак-атроф ободонлаштирилди, боғ ва полиз майдонлари пайдо бўлди. Йигирма нафарга яқин ёш иш билан таъминланди. Бу вилоятда юз бераётган катта ўзгаришлардан бир чимдим, холос.

Фарғоналиклар азалдан тадбиркор, меҳнаткаш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда омилкор сифатида танилган. Юзлаб гектар майдонларда юқори ҳосил олаётган пахтакор-ғаллакор фермерлар, йилдан-йилга туёқ сонини кўпайтираётган ва ҳатто мол-қўйларнинг янги сергўшт, серсут зотларини яратаётган чорвадорлар, сабзавот ва полиз экинларидан юқори даражада ҳосил олаётган миришкорлар, ажойиб боғбонлар ҳақида кўплаб ёзилган. Шу йил апрел ойи бошларида «Ishonch» газетасининг бир гуруҳ ходимлари Олтиариқ туманидаги шахсий томорқаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Эскиараб қишлоғидаги Рустам Пўлатов хонадонига тегишли томорқада тўлиғича «МЕРС», «Ризамат» каби бозоргир, серҳосил узум навлари парваришланади. Ҳамкасбларни узум ишкомларидан кўра ишком тагидаги кўм-кўк бодринг жўяклари ҳайратга солди. Унинг кўшниси Ғайрат Пўлатовнинг томорқаси ҳам қалин узум ишкомлари билан қопланган. Ишкомлар остида эса йирик-йирик карам бошлари етилиб турарди.

— Февралдаёқ ишкомлар тагидаги кузда чопилиб, жуяк олинган ерга плёнка остида бодринг, карам, қалампир каби сабзавотлар экамиз. Астойдил қилинган меҳнат натижасида бу экинлар март-апрел ойларида то узум токлари барги катта бўлиб пастдаги сабзавотларни қуёш нуридан тўсгунича етилади ва сотиб бўлинади, — дейди Р.Пўлатов. — Шу тарика оз ердан соз даромад олишга интиламиз.

— Ерни чарчатиб қўймайдими бу ҳол?

— Албатта, бунинг чораси шудгор чоғидаёқ кўрилади, яъни ерни маҳаллий ўғитга тўйинтиришни ёддан чиқармаймиз.

Шу тумандаги Полосон қишлоғилик Ашурали Каримов хонадонида ҳам узумзор остида эрта баҳордаёқ бодринг, помидор ва бошқа резаворлар мўл ҳосил беради. Бу миришкор томорқачи деҳқон ўзига қарашли ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланади. Масалан, томорқасининг бир сотих жойи лимонзор, 5 сотихи шафтолизор, бир қисмида эса буюртма асосида турли мевали кўчатлар етиштириб бозорга чиқаради.

Беш сотих ердаги шафтолизор, ишонинг-ишонманг, 13 турдаги эртапишар луччак навли шафтоли кўчатларидан иборат. Шуниси қизиққи, улар навларига қараб бирин-кетин пишади ва сотувга чиқарилади.

Кейинги йилларда Фарғонада лимон анча арзонлашди. Зеро, Учкўприк, Бувайда, Фурқат туманларидаги деярли ҳар бир томорқада лимонзорлар барқ уриб ётибди. Фарғона лимонлари нафақат юртимиз, чет эл бозорларига ҳам чиқмоқда. Ҳа, вилоятда ишнинг кўзини биладиган, ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган миришкорлар минг-минглаб топилади. Деҳқончилик ва тадбиркорлик сиртдан қараганда гўё бир-биридан узоқ тушунчаларга ўхшайди. Лекин фарғоналик томорқачи боғбону, сабзавоткорлар ишига синчиклаб назар солар экансиз, уларнинг фаолиятида ҳар иккиси уйғунлашиб кетгани ва бу муваффақиятлар гарови бўлаётганини ҳис қиласиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоятда ўнлаб янги кичик корхоналар очилди. Тадбиркорлар қўллаб-қувватланди. Натижада, катта кичик бизнес субъектлари қисқа муддатда ўзини ўнглаб, ютуқларга эришди.

Фарғона Давлат университети, Политехника институти, Қўқон педагогика институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, 11 та академик лицей, 144 та касб-ҳунар коллежи ва бошқа илм муассасаларида минглаб ёшлар фан чўққиларини эгаллаш билан банд. Уларда 30 дан ортиқ йўналишда мутахассислар тайёрланади. Юқоридаги ўқув юртлари кафедра ва лабораториялари, илмий тадқиқот муассасаларида илм-фаннинг энг замонавий йўналишларидан тортиб, ижтимоий фанлар соҳасида чуқур илмий-таҳлилий фаолият олиб борилмоқда.

Вилоятда санъат, адабиёт, спорт соҳаларида истиқлол йиллари эришилган муваффақиятлар ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин. Улар худди кафтдаги варид доналаридек яққол намоён ва бетимсол нур сочиб турибди. Зеро, Фарғонанинг ўзи Ўзбекистон деб аталмиш буюк, қудратли ва жаннатмонанд мамлакатнинг энг ёрқин дурдоналаридан биридир.

Ўзбекистон улуғ байрамга қизғин тайёргарлик кўраётган шу кунларда бир муқояса тез-тез хаёлимдан ўтади. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида собиқ шўролар давлати ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаганман. Тинч океани флотининг энг қудратли ҳарбий кемаларидан бири — «Адмирал Сенявин» крейсерида Ҳинд океани қирғоқлари бўйлаб сузганман. Ўшанда Осиё ва Африканинг кўп давлатлари мустақилликни қўлга киритган эди. Кемамиз Ҳиндистоннинг ўша пайтлардаги энг замонавий, ривожланган шаҳри Бомбейда бир ҳафта тўхтаган ва биз матросларга ҳам шаҳарни томоша қилиш имкони берилган эди. Ўша пайтлари ёшлар Ҳиндистонни «Сангам», «Дунё» каби машҳур филмлар орқали билар ва севар эди. Аммо ўз кўзим билан кўргач, Бомбей манзаралари ҳафсаламни пир қилди. Шаҳар кўча ва майдонларини ялангоёқ, кир-чир одамлар, маймун ўйнатувчилар, турли-туман беўхшов, жирканч гадойлар босиб кетган, марказдан хиёл четдаги хароба маҳаллалар, фаҳш, беҳаёлик рамзи сифатида Бомбейга соя солаётган «Леди-Стрит» фоҳишалар кўчаси... Ўшанда Ҳиндистоннинг мустақил бўлганига йигирма икки йил тўлган экан. Ўн-ўн беш йил илгари мустақилликка эришган Сомали давлати пойтахти Могадишо, шўро ҳарбий кемалари кўп тўхтайдиган Бер Бера порт шаҳри, Басра, Порт-Луи ва бошқа шаҳарлар... Ҳамма жойда мислсиз қашшоқлик, очлик, саводсизлик ҳукм сурарди.

Бугун истиқлолимизга йигирма йил тўлаяпти. Аммо 70-йиллар бошларида ўз кўзимиз билан кўрган, истиқлолига 15-20 йил тўлган ўша юртлар тараққиёти билан солиштирилганда биз йигирма йил давомида икки юз йилга арзийдиган ютуқларни қўлга киритганимиздан шодланаман. Томчида қуёш акс этганидек, буюк Ўзбекистон тарихан ўта қисқа вақт ичида эришган оламшумул ютуқлар Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳа, ҳуррият, истиқлол вилоят учун, унинг янада порлоқ келажаги учун бениҳоя чексиз шарт-шароитларни яратиб берди. Фарғоналиклар янада улкан ютуқларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Зеро, шоир айтганидек:

Ҳуррият ўзи тайёр бахт эмас,
Бахт учун энг буюк имкониятдир.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Бу йўллардан кимлар ўтмаган

(Давоми. Боши 1- бетда)

Ислом Каримов 2000 йил 29 август куни Тошкент-Ўш автомобил йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларидаги туннеллар очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида бу магистралнинг нақадар муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун мазкур магистрал атрофида махсус инфратузилма шакилланди. Даҳана, Сарвак, Резак, Хонобод, шимолдаги Қамчиқ, Сардала, Эртош, Бешкўл сингари қишлоқларда яшовчи одамларнинг ҳаёт тарзи, турмуш даражаси ўзгарди. Ҳозирги пайтда бу ердан ҳар куни ўртача 15-18, ёз ойларида эса, 25 минг атрофида транспорт воситаси ўтади. Бу — ҳар куни юз мингдан ортиқ кишининг узоғи яқин, ўн минглаб тонна юкнинг манзилига бехатар етиб бориши таъминланаяпти, деганидир. Бинобарин, улар орасида Осиёнинг кунчиқар томонларига, жануби-шарқий ҳудудларига, Шарқ мамлакатларидан Европанинг турли минтақаларига қатнаётган кўплаб транзит машиналари ҳам бор.

— Бу ер мўъжазгина эртаклар шаҳарчасини эслатаркан, — деган эди водий вилоятларига сафари чоғида немис адабиёти вакиласи Женни Эрбенбек. — Йўллар текис, атрофда ям-яшил табиат, қулиб турган одамлар, юзида чарчоқ сезилмайдиган йўлсозлар, таомлари ҳиди димоғни қитиқловчи ошхоналар... Ҳаммаси ажойиб. Яна ҳам яхшиси, йўлдан асосан ўзингизда ишлаб чиқарилган автоуловларингиз қатнаётгани ҳавасимизни келтирмоқда.

Йўл ҳамиша парваришу эътиборга муҳтож. Унинг довондан ўтадиган қисмини сақлаш, узлуксиз ҳаракатни таъминлаш ишларини қарийб 500 нафар ишчи меҳнат қилаётган «Қамчиқавтойўл» махсус таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси амалга оширмоқда. Жорий йилда 52 километр масофани реконструкция қилиш, 34 километрни цемент-бетон, 18 километрни эса асфалт-бетон тўшамалари билан қоплаш, қор кўчкисига қарши 1 минг 412 дона темир қурилма ўрнатиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган трансконтинентал йўллар истиқлол йилларида тикланаётган Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолаверади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

***

Автомобил йўлларини ҳеч бир муболағасиз мамлакатнинг «қон томири», дейиш мумкин. Чунки, йўловчи ва юк ташувчи транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз қатновини таъминлашда автомобил йўлларининг аҳамияти катта. Яқинда Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси масъул ходимлари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда тармоқда мустақиллик даврида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бугунги кунда 42654 км. узунликдаги умумфойдаланувчи автомобил йўллари, 3979 км. халқаро, 14069 км. давлат, 24606 км. маҳаллий автомобил йўллари техник соз ҳолатда сақланиб, такомиллаштирилиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам улардан фойдаланиш имконияти таъминланиб келинмоқда.

Компания таркибида 13 та вилоят ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, 7 та минтақавий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш-корхонаси, 161 та йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш фойдаланиш-корхоналари, автомобил йўллари илмий тадқиқот институти ва бошқа махсус пудрат қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган 20 йил ичида тизимда олиб борилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, ушбу соҳадаги ўсиш жараёни яққол кўзга ташланади. Жумладан, 1991 йилга нисбатан цементбетонқопламали йўллар узунлиги 21 км.га, асфалтбетон қопламали йўллар узунлиги 1852 км.га, қорақопламали йўллар узунлиги 542 км.га, тош шағал қопламали йўллар узунлиги 421 км.га ўсди. Натижада, умумфойдаланиш автомобил тупроқ йўллари 746 км.га камайди. Шунингдек, республикамиз ҳудудлари бўйича 175 дона кўприк, 19 та йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган 2009-2010 йилда компания таркибидаги ташкилот ва корхоналар томонидан 682110 млн. сўмлик йўл ишлари, инвестиция объектларида 365906 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 395 км. узунликдаги автомобил йўли қурилди ҳамда реконструкция қилинди. 2250 км. йўл ўрта ва тўла таъмирланди.

Президентимизнинг «2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Ўзбек миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорлари асосида мақсадли дастурлар қабул қилиниб, амалга татбиқ этилди. Истиқлол йилларида халқаро ва давлат аҳамиятидаги 3722 км.дан зиёд янги йўллар қурилиб, реконструкция қилинди. Шунингдек, 2755 км. узунликдаги Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 238 км. автомобил йўли икки тасмалидан тўрт тасмалига ўтказилди.

Айниқса, мамлакатимиз ҳудудидан ўтувчи халқаро транспорт йўлагига кирадиган автомобил йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларининг кескин ошганлиги, Навоий ва Ангрен логистика марказларининг ишга туширилиши, йирик лойиҳаларга хорижий сармоянинг жалб этилиши автомобил йўлларига бўлган талаб ва сифат даражасини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Автомобил йўлларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун ҳар йили давлатимиз томонидан 600-700 млрд. сўм ажратилаётганлиги, қолаверса, Осиё тараққиёт банки томонидан 600 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилаётгани соҳани жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун замин яратмоқда.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishohch» мухбири

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 2-avgust № 93 (2974)

«Игнанинг кетидан юрсанг, битасан...»

(Давоми. Боши 1- бетда)

БОҒАФЗАЛ ЧЕВАРЛАРИ

— Каштачилик бироз инжиқ ва мураккаб иш, лекин одамга ажиб руҳий кўтаринкилик ва гўзал туйғулар бахш этади, — дейди Ойсара Рўзиева. — Бу ҳунарларнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, уни тикадиган аёл дилбар ва нозик табиат, кенгфеъл, жозибали бўлади. Қолаверса, аёл ўзи тикаётган каштанинг гулларига кўнглидаги энг нозик орзу-ўйларини қўшиб тикади, табиатдаги чиройли ранглар ва тасвирларни матода акс эттираётиб, ўзи ҳам ижод қилади, янгилик яратади. Шу билан бирга, каштачилик ортида тежамкорлик ҳамда тадбиркорлик фазилатлари мужассамлашганки, бу ҳаётда ҳамиша қўл келади. Аёлнинг чеварлиги ва малоҳатини кўз-кўз этувчи бу ҳунар туфайли хонадонга файз киради, қут-барака ёғилади.

Ойсарахоннинг отасини яхши танирдим. Тумандаги энг ташаббускор ва билимдон ўқитувчилардан эди. Бугун унинг қизи Шофиркон каштачилигида ўзига хос мактаб яратиб, юзлаб қизларга ҳунар ўргатган устоз. Бир гал пойтахтда ўтган нуфузли кўргазмада уни кўриб, ҳайрон қолгандим. Билсам, кўргазмада унинг каштачилик буюмлари ҳам намойиш қилинаётган экан.

— Мақсадим — кўргазмага қатнашиб бирор мукофот олиш эмас, — дейди Ойсара. — Шофиркон каштачилигининг ўзига хос томонларини кенг ёйиш, қолаверса, чекка бир қишлоқда шундай нозик дидли, чевар аёллар яшаётганини кўз-кўз қилишдир.

Ҳунармандлар уюшмаси раисаси айтгандек, у яшаётган Боғиафзал қишлоғи аёллари чеварларнинг чевари ҳисобланишади. Улар тиккан кашталар азалдан харидоргир бўлган. Буюк Ипак йўли карвонлари бу ҳудуд аёллари тиккан сўзаналари дунё бозорларига олиб бориб, катта сармояга эга бўлишгани тарихдан маълум. Ҳатто, Бухоро амирлигиги хонимларига ҳам боғиафзаллик чеварлар тиккан кашталар кўпроқ маъқул келган, дейишади.

КЕЧАГИ КУН ҲАҚИҚАТИ

Бундан ўн беш-ўн олти йиллар аввал уйимизга Туркиядан меҳмонлар келишди. Улар жуда зиёли, миллий қадриятларни эъзозлайдиган кишилар эди. Ўзбекона одатимиз: меҳмонга алоҳида таъвозе кўрсатдик, пар ёстиқлар, духоба кўрпачалар, пахта гулли идишлар... хуллас, бор меҳримиз, эътиборимиз уларники бўлди. Уларни эса биз меҳмонлар кўзидан нарироққа турган тахмондаги қуроқ ёстиқлар, кашталик сочиқлар, сўзана-ю жойнамозлар қизиқтирарди. Меҳмонларнинг қизиқишини кўриб, мақтангим келиб, онам тиккан опа-акаларим уйида сақланаётган буюмлар ва туғилиб ўсган қишлоғим ва унинг чевар аёллари ҳақида сўзлаб бердим. Меҳмонлар Бухоро сафарини баҳона қилиб қишлоғимизга, бизникига борадиган бўлишди. Меҳмонларнинг сазаси ўлмасин, деб Шофирконга куёвга ўзи қуроқлаб тиккан кўрпача-ю ёстиқларни совға қилаётиб, «доим қуроқдай қуралиб, бир-бирингиздан ажралмай юринглар», деб дуо қиларди. Чевар онажоним тиккан ана шундай қуроқ кўрпа-ю ёстиқлар қишлоғимиздаги кўплаб хонадонларнинг тахмонларида ҳанузгача сақланади.

Онам ўз ҳунарларини жиянларим Марҳабо, Муқаддас ва Ойдинга ўргатдилар. Айниқса, Марҳабо ва Муқаддас жиянимнинг чеварлиги онамга тортди. Муқаддас тиккан кашталар бугун қанчадан-қанча хонадонларга файз киритаётган бўлса, Марҳабо пишираётган лаззатли таом ва пишириқлар элга манзур. Ҳунари кетидан бугун уларнинг хонадони обод, рўзғори тинч. Онам ҳамиша «бир дўконим бўлса эди, қизларни йиғиб чеварлигу рўзғор илмини ўргатардим», дердилар. Уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун жиянларимнинг елиб-югуриб юрганини кўриб қувондим. Ҳа, онамдек ўн қўли ўн ҳунар, ижодкор аёллар замони бугун келди.

БАРАКА БЕКАНИНГ БАРМОҒИДА

Раҳматли онажоним ҳамиша бир гапни такрорлардилар «Рўзғор — ғор. Ана шу ғорни тўлдириш аёл учун бир санъат. Шуни унутмаки, янгини эски асрайди. Игнанинг кетидан юрсанг, битасан, гапнинг кетидан юрсанг, йитасан». Ўзлари ана шу ҳикматга амал қилиб эскирган ҳар бир буюмга қайта зеб бериб, унинг умрини узайтирардилар. Шунда оддий лахтаклар антиқа буюмга айланиб, хонадонимизга файз олиб кирарди. Қизларимнинг туғилган кунларида сурпни лахтак матолар билан безаб чиройли сочиқлар тикиб берганлар. Гулсарвар қизим бибисининг турфа ипаклар ва қийқим газламалар билан сайқалланган совғаларини ҳозиргача асраб-авайлаб юради. «Ҳар қанча олий мактабда ўқимасин, аёли ҳунарманд, тадбиркор бўлмаган оила рўзғорига барака бўлмайди. Эр ботмонлаб ташиб келса ҳам, уқувсиз хотин уни йўққа чиқаради» дердилар ёлғиз қолганимизда.

Онам айтган ҳикматнинг нақадар ростлигига, оилани оила қиладиган аёл эканлигига, барака хонадон бекасининг бармоқларида бўлишига неча бор гувоҳ бўлдим. Оқила аёлнинг қўлида бир олам сеҳр борлигини, у оналик меҳри, кўз нури, ақл қуввати ва ижодкорлик маҳорати билан бирлашиб чинакам гўзаллик яратишини Ҳилола Тўқсонованинг ибратли оиласи мисолида кўрдим.

— Бизнинг Котиён қишлоғи аёллари феълида туғма ижодкорлик, ноёб яратувчанлик бор. Шунинг учун ҳам миллий ҳунармандлик ва анъанавий каштачилик бугунгача яшаб келмоқда, — дейди тадбиркор Ҳилола Тўқсонова. — Ёш авлод турли ҳунарларни давом эттириб, уларни ўзгача сайқал, янгича мазмун билан бойитмоқда. Кўпинча уйда ўтирган аёллар келиб кашта тикишни ўргатишимни илтимос қилишади. Билганларимни ўргатаяпман. Ҳозиргача 200 нафардан ортиқ, мактабдаги шогирдларим билан ҳисоблаганда мингдан ортиқ хотин-қизларга каштачилик сирларини ўргатдим.

Ҳилола кўп йиллар Жўрақул Тўраев номидаги мактабда ўқувчиларга расм, чизмачилик, меҳнат таълими фанларидан сабоқ берган, айниқса, ёш қизларга каштачилик сирларини ўргатиш бўйича аллақачон ном чиқарган.

У каштачиликда қадимий усулларни замонавийлаштириб эътиборга тушди. Ўтган йиллар ичида кўрик-танловларда ўзининг кашталари билан иштирок этиб, совриндор бўлди.

Бухоро педагогика университетининг бадиий графика факултетини тугатган Ҳилола анор, тут дарахти илдизи, лавлагидан табиий буёқ яратди. Унга ипакни бўяб, сержило ип кашф қилди. Қолаверса, қадимий услубда пахтадан ип йигириб, кашта тикиш учун мато тайёрлади. Шу боис унинг кашталари ҳамкасбларникидан жозибали ва табиийлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради. Ҳилола табиатан изланувчан ижодкор. У осмонга парвоз қилаётган қушлар, гулга қўниб турган булбул, ўзига хос гўзалликка эга бўлган анор ва анор гули, бодом ва бодом гули, самодаги қуёш, ой-ю юлдузлардан каштасига нусха кўчиради. Каштасидаги сувратлар шу боис табиий ва шу даражали мукаммал тасвирланганки, уни қўл чўзиб узиб олгинг келади.

— Каштачилик ўта нозик ва диққатни талаб этади. Каштанинг яхши чиқиши матосининг табиийлиги, ипакнинг майинлиги ва жилосига, қолаверса, матода шакл чизган рассомнинг иқтидорига боғлиқ. Чизгувчи бирор жойда хато қилса, тикканда бу яққол кўзга ташланади. Кўрдингизми, каштанинг мураккаб иши чеваргача бажарилади. Чевар ана шу тасвирни қалб ҳарорати билан қўшиб тиксагина кутилган натижага эришиш мумкин. Каштачиликнинг пири бор: поклик, гўзаллик ва саранжомсаришталикни ёқтиради. Юраги кир — ғаразгўй, бировга ёмонлик тиловчи аёл тиккан кашта одамни негадир чарчатади. Яна шуни ҳам тажрибамдан биламанки, палапартиш кийинган, сочи таралмаган, дидсиз аёл токи, поклиги самараси акс этиб турибди, — дейди Ҳилола мамнуният билан. — Биз учун бугун барча йўллар очилган, соликдан, текшир-текширлардан озодмиз. Чин маънода айтадиган бўлсам, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бизнинг йилимиз бўлди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бошқарувининг 15.07.2011 йилдаги 70/2-сонли қарорига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Ҳамза филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-«А»уй манзилида сақланаётган, «Нексия» русумли, 2005 йил и/ч, д/р 10 ВЕ 266 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 430 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 30 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 30 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 5 ва 12 сентябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «AGROBANK» ОАТБ Бошқарувининг 06.06.2011 йилдаги 41/3-сонли қарорига асосан, «AGROBANK» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 9-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия» русумли, 2004 йил и/ч, д/р 01 324 ВАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 008 250 сўм.
2. «Нексия» русумли, 2005 йил и/ч, д/р 01 756 WAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 553 150 сўм.
3. «Нексия» русумли, 2001 йил и/ч, д/р 01 648 WAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 107 400 сўм.
4. «Дамас» русумли, 2005 йил и/ч, д/р 01 649 WAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 807 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 30 август куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 30 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 5 ва 12 сентябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш 1 кўчаси, 1-«А»уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Эътироф

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қалбимизда фарахбахш туйғуларни пайдо қилди. Аввало, Юртбошимиз раҳнамолигида шунча йўлни собитқадамлик билан босиб келаётганимиздан қувонамиз.

Улуғвор йиллар

Албатта, бу осон бўлгани йўқ. Аммо мана шу йигирма йилда биз кеча пайдо бўлган халқ ёки давлат эмаслигимизни, давлатчилик анъаналаримиз минг йилларга бориб тақалишини, буюк инсонларнинг авлодлари эканлигимизни дунёга исботладик. Асрларга татигулик бунёдкорликларни амалга оширдикки, буни тан олмасликнинг, тан бермасликнинг асло иложи йўқ. Шундай экан, мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишни ҳар бир фуқаро ўзининг бурчи деб ҳисобламоғи фарз ва қарздир. Қарорда қайд қилинган тадбирларни, танловларни катта масъулият ва бирдамлик билан кўтаринки кайфиятда амалга оширайликки, дунё халқимизнинг ҳамжиҳатлигига, уюшқоқлигига яна бир карра қойил қолсин. Бугун ҳар биримиз ўз иқтидор ва истеъдодимизни ана шу эзгу мақсад ифодасига сарфласак, айни муддао. Урганч Давлат университети истиқлол йилларида ҳар томонлама шаклланди, улкан илм масканига айланди. Айни пайтда илм даргоҳини тамомлаган минглаб ёшлар воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб улуш қўшмоқда. Талабаларимиз орасида кўплаб эл суйган инсонлар, иқтидорли шоир ва ёзувчилар, олимлар, кучли спортчиларнинг борлиги бизни қувонтиради.

Университетда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб қарши олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айрим талабаларимиз «Бунёдкор» гуруҳларида Урганч шаҳрининг шоҳкўчасини бунёд этишга кўмаклашаётган бўлса, бошқа талабаларимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ёрдамлашмоқда. Эндиликда олий ўқув масканимиз малакали кадрлар етиштириш учун барча шароитга эга. Бунга университет эшикларидан киришингиз билан ўзингиз гувоҳ бўласиз. Кириш жойининг ўзида ўнлаб компьютерлар талабалар ихтиёрида. АРМда барча фанларни қамраб олган минглаб китоблар, электрон дарсликларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Маданият саройимиз ҳар доим талабалар билан гавжум. Бу ерда кунора давра суҳбати, учрашув, адабий-бадиий кечалар ташкил қилинади. Барча қулайликка эга ётоқхона, санаторий-профилакторий ҳам ташриф буюрувчида илиқ таассурот қолдиради.

Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир. Ўйлаймизки, талабаларимиз ушбу эътиборга жавобан ўз билим ва иқтидорларини мустақилликни мустаҳкамлаш, боболарга муносиб ворис бўлиш йўлида сафарбар этади. Илоҳо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Анахон ЖУМАНАЗАРОВА,
Урганч Давлат
университети ўқитувчиси

Кураш

Қорасув шаҳри аҳолиси учун Мустақиллик байрами аллақачон бошланиб кетди. Истиқлолнинг 20 йиллиги олдидан кураш манежида ҳафтанинг ҳар якшанба куни кураш сайли ўтказилмоқда.

Ўз бағрига икки мингдан ортиқ мухлисни сиғдира оладиган бу майдонда водий вилоятлари, ҳатто Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё томонлардан келган полвонлар гиламга чиқмоқда.

Қорасувда полвонлар беллашуви...

Ўтган ҳафтада белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг 36 ёшдан юқори номдор полвонлари иштирок этган баҳслар қизиқарли тус олди. Беллашувларда Ш.Тошпўлатов, Н.Тўйчиев, А.Шокиржонов, И.Иминов, Ш.Оманиллаев, А.Қучқоров сингари номдор полвонлар ўз вазн тоифаларида мамлакат чемпиони бўлдилар.

Ўз мухбиримиз

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.30

Буюртма Г — 811

13617 nusxada bosildi

1 3 4 5